

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК: 005.6:373(575.1)**

ШАХОБИДДИНОВА МАЛОҲАТ ЗАЙНИЛОБИДДИН ҚИЗИ

**ТАЪЛИМ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИНИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
МАКТАБЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13- «Менежмент»
08.00.05- «Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти»**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: и.ф.д., проф.
Абдурахманова Г.Қ**

Тошкент – 2025



МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1-БОБ. ТАЪЛИМ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	13
1.1. Таълим сифати менежментининг ўзига хос хусусиялари ва унинг таълим сифатига таъсири.....	13
1.2. Таълим сифати менежментининг концептуал асослари.....	23
1.3. Умумий ўрта таълим мактабларда таълим сифати менежментини ташкил этишда хориж тажрибаси.....	35
1-боб бўйича хулоса.....	62
2-БОБ ИХТИСОСЛАШГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИ	64
2.1. Ихтисослашган таълим муассасалари агентлигининг бошқарув жараёнлари.....	64
2.2. Мактабларни ихтисослаштиришнинг истиқболли йўналишлари.....	79
2.3. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг таълим сифатини бошқариш модели.....	92
2-боб бўйича хулоса.....	111
3-БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	112
3.1. Умумий ўрта таълим мактабларида эксперт баҳолаш усули асосида таълим сифатини ошириш йўллари баҳолаш.....	112
3.2. Умумий ўрта таълим тизимида ўқув-услугий фаолиятни ташкил этишни такомиллаштириш	126
3.3. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари меҳнатини улуғлашнинг ижтимоий-руҳий омиллари.....	139
3-боб бўйича хулоса.....	143
ХУЛОСА	145
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	147
ИЛОВАЛАР	170

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимининг ривожланиш парадигмаларида инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳолда, келажак ёш авлодлар учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган билим ва кўникмаларни, илмий-дунёвий саводхонликни шакллантириш муҳим аҳамиятга аҳамият касб этмоқда. Педагогик амалиётда компетенциявий ёндашувлар марказида турадиган инсонийлик ғояларининг ўқитувчи ва ўқувчилар малакаларини ривожлантириш бўйича имплементацияси баҳоланмоқда. Дунёдаги 787 миллион бошланғич мактаб ёшидаги болаларнинг 8 фоизи мактабга бормайди, бу 58,4 миллион болани ташкил этади. «UNICEF» маълумотларига кўра мактабга бораётган болаларнинг қарийб 600 миллиондан ортиқи ўқиш ва математика бўйича минимал даражадаги саводхонликка эга эмас. Шу нуқтаи назардан жаҳон мамалкатларида умумий ўрта таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, таълим сифати менежментини такомиллаштиришнинг назарий-услубий таъминотини янгича ёндашувларда шакллантириш талаб этилмоқда.

Жаҳонда таълим ва илмий-тадқиқот соҳалари трансформация жараёнларида юқори ўзгаришларга дуч келмоқда ва бундай ўзгаришлар сифати менежментини халқаро даражада бошқаришга бўлган янгича илмий қарашларни шакллантиришни тақоза этмоқда. БМТнинг Барқарор Ривожланиш Мақсадларидан (SDGs) тўртинчиси бўлган "Сифатли таълим" соҳасидаги мақсадларга эришиш учун сифатли таълим менежментини ўқитувчиларнинг малакаси, таълим жараёнининг замонавий талабларга жавоб бериши, таълим олиш учун зарур ресурслар (ўқув материаллари, мактаб иншоотлари ва технологиялар) билан таъминлаш бўйича аниқ ёндашувларни ишлаб чиқиш, таълимга таълим сифатини ошишга йўналтирилган инвестициялар кўламини ошириш, таълимни рақамлаштириш бўйича тадқиқотларга устиворлик қаратилмоқда.